
Данғара туманида аҳолини бизнесга жалб қилиш бўйича туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Акрамовнинг МУРОЖААТИ

Данғара туманида аҳолини бизнесга жалб қилиш бўйича туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Акрамовнинг МУРОЖААТИ

Ассалому алайкум, тумандошлар!

Давлатимиз раҳбари бошчилигида 2024 йил 12-август кунги Бухоро вилояти мисолида ўтказилган селектор йиғилиш якунларида қилинган маърузалари ва берилган топшириқлари асосида Данғара туманида томорқадан самарали фойдаланиш, маҳалларда саноат биноларини ташкил этиш ҳамда саноат, савдо, хизмат ва замонавий агротехнологиялар соҳасида “драйвер” лойиҳа ишга тушириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш борасида **“Сайхунобод, Уйчи, Зарбдор ва Гиждувон туманлари”** тажрибаси асосида ишлар ташкил этилмоқда. Жумладан:

-

Сайхунобод тажрибаси яъни иқтисодий комплекс ташкилотларининг маҳаллага тушиб, хонадонбай ишлаш тизими асосида ҳар бир маҳалладаги хонадонлар учун молиявий пакет қилиб берилиши белгиланди. Бу орқали туманда **5,2 минг** аҳоли бандлигини таъминлаш мумкин бўлади.

Жумладан, ҳар бир маҳаллада **50** тадан жами **2300 та** камбағал оилаларни танлаб олиниб, **7,4 млрд.**сўм маблағ ҳисобига **471 та** хонадонларга молиявий кўмаклар берилди.

Йил якунига қадар яна **1800 дан** ортиқ хонадонларга молиявий кўмак берилади.

Шунингдек ҳар бир маҳалла ҳоким ёрдамчилари ва бириктирилган банклар билан биргаликда **10** тадан лойиҳалар шакллантирилиб, жорий йилнинг 1 август кунига қадар **469 та** лойиҳаларда **53 млрд.**сўм маблағлар ўзлаштирилиб, **934 та** иш ўринлари ташкил этилди.

Йил якунига қадар ҳар бир маҳалладан яна **20** тадан туман бўйича жами **920 та** лойиҳалар шакллантириш режалаштирилган. Бугунги кунга қадар **43,2 млрд.**сўм қийматидаги **878 та** лойиҳаларда **1268 та** янги иш ўринлари рўйхати шакллантирилиб, платформага киритилди.

Жумладан, август ойида режадаги **138 та** лойиҳа ўрнига **22,8 млрд.**сўм қийматидаги **531 та** (384,8%) лойиҳалар ишга туширилиб, платформага киритилди ва бунинг ҳисобига **711 та** иш ўринлар ташкил этилди.

Уйчи тумани тажрибаси асосида **июль-декабр (2-ярим йиллик)** ойлари мобайнида тижорат банклари мижозлари билан **15 та** учрашувлар ўтказиш ва ушбу орқали **2222 та** иш ўринлари яратиш режалаштирилган бўлиб, Амалда бугунги кун ҳолатига банклар томонидан **7 та** учрашувлар ўтказилиб, **1046 та** иш ўринлари яратилди (47%).

Жумладан, сентябр ойида **1 та** учрашув ташкил этилиб, **279 та** иш ўринлари яратилди.

Зарбдор тумани тажрибаси асосида туманда мавжуд имконият ва заҳираларни аниқлаш ва улардан фойдаланиш орқали **106,4 млрд.** сўмлик

23 та лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига жами **980 нафар** иш ўринлари яратилиши режалаштирилган. Ҳозирги кунга қадар **75,4 млрд.**сўмлик **19 та** лойиҳалар ишга туширилиб **765 та** янги иш ўринлари яратилди.

Гиждувон тажрибаси асосида туманда тадбиркорлар билан “Маҳаллабай” ишлаб чиқаришга ихтисослашган **8 та** маҳаллаларда **15 тадан** “Тепага ўсадиган” **120 та** саноат лойиҳаларини

амалга ошириш белгиланган бўлиб, ушбу лойиҳаларни амалга ошириш орқали **828 нафар** ишсиз фуқароларни иш билан бандлигини таъминлаш ва доимий даромадга эга бўлиши таъминланиши режалаштирилган бўлиб, амалда шу кунга қадар **14 та** саноат лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига **261 та** янги иш ўринлари ташкил этилди.

Бундан ташқари туманимиз иш ўринларини ташкил қилишда қуйидаги молиявий инструментлардан фойдаланилди. Хусусан туманимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари томонидан барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан **485,6 млрд. сўмлик** кредитлар ажратилди.

Шундан, АТ Халқ банки Данғара БХМ томонидан **11 та** кичик ва ўрта бизнес субъектларига **1,4 млрд. сўмлик**, **19 та** якка тартибдаги тадбиркорларга **1,8 млрд. сўмлик** ҳамда **2080** нафар фуқароларга **29,6 млрд сўмлик** кредитлар ажратилди. Шундан **“Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш”** дастури доирасида **1179 нафар** аҳолига **16,9 млрд. сўмлик** имтиёзли кредитлар ажратилди ва **1500 нафардан** ортиқ ишсиз оила аъзоларининг бандлиги таъминланди.

“Агробанк” АТБ Данғара филиалида томонидан 2024 йил давомида **65 та** миқозга **12,0 млрд.сўм** кредит ажратилди. Соҳалар кесимида қишлоқ хўжалиги бўйича сув тежовчи технология жорий этиш учун **25 та** фермер хўжалигига **7,3 млрд.сўм**, лазерли ер тикислагич сотиб олиш учун **6 та** фермер хўжалига **1,5 млрд.сўм**, “Бизнес Ривожлантириш Банки” маблағлари ҳисобидан **36 та** миқозга **3,2 млрд.сўм** ва чакана бизнес йўналиши бўйича **16 та** миқозга **882 млн. сўмлик** кредитлар ажратилди.

2024-09-24 16:31:10